



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIV
VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION RIVOJLANISH
VAZIRLIGI

“БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ”

мавзусидаги республика онлайн

илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ



*Alisher
Navoiy*

580

5 февраль 2021 йил
Бухоро



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**БАШАРИЯТ МАЪНАВИЙ
ЮКСАЛИШИ ВА ЁШЛАР
ТАРБИЯСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ
МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

мавзуидаги республика онлайн илмий-амалий конференция

МАТЕРИАЛЛАРИ

2021 йил 5 февраль. Бухоро

Тўпладан республика онлайн илмий-амалий конференция материаллари ўрин олган. Мақолаларда Алишер Навоий ижодининг турли қирралари, уни ўрганиш масалаларига доир илмий қузатишлар жамланган бўлиб, мазкур соҳага оид барча мутахассисларга мўлжалланган.

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:
Р.Ражабова, Н.Қодирова, Н.Ўроқова

Тақризчилар:
Ф.ф.д. Л.Шарипова, ф.ф.н. Т.Асадов

Мазкур илмий тўплам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 октябрдаги 4865-сонли “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ги қарори ижроси доирасида амалга оширилди.

Ҳар қайси ўз хурды-ҳалыға кўра ширин гуфтар [“Мажолисун нафоис”, 181].

Алишер Навоий асарлари тилида чиқиш келишигидаги сўзлар билан бери, нары, ўзга, ташқары, сонг (сонгра), бурун каби кўмакчилар ишлатилган. Бу кўмакчилар чиқиш келишигидаги сўзлар билан боғланиб, шу келишик маъноларини тўлдиришга хизмат қилади.

Бери кўмакчиси ўзи боғланган чиқиш келишигидаги сўз ифодалаган вақтнинг давомийлигини кўрсатади:

Хурасанга келгали **бери** фақырлар теграсида болур [“Мажолисун нафоис”, 193].

Алишер Навоий асарларида қўлланилган соф кўмакчилар ўзаро қиёсий таҳлил қилинганда, уларнинг қофия, вазн талабига кўра стилистик мақсадларда қўлланганлигини кўриш мумкин. Айрим фонетик ўзгаришли кўмакчиларда турли хил коннотатив маънолар ифодаланади. Мисолларни чоғиштиринг: билан – бирлан – бирла – била – -ила – -ла; -чун – учун; сайи – сайин; сўнг – сўнгра.

Шундай қилиб, кўмакчилар ўзига хос семантик-стилистик характерга эга бўлиб, Алишер Навоий улардан ўз асарларида ўринли, мақсадга мувофиқ, санъаткорона фойдаланиш маҳоратини намоён қила олган.

Адабиётлар:

1. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М.–Л., 1960.
2. Иванов С.Н. Родословная древо тюрок Абу-л-газы-хана. – Ташкент, 1969.
3. Рустамов Т. Ҳозирги ўзбек тилида кўмакчилар. – Т.: Фан, 1965.
4. Ўзбек тили грамматикаси. – Т., 1975.
5. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан, 1987 – 2003.

ALISHER NAVOIY IJODIDA AREAL LINGVISTIKA

Sevara Po`latova,
o`qituvchi (BuxDU)

“Areal lingvistika” zamonaviy qiyosiy tilshunoslik sohasining asosiy yo`nalishlaridan biri sanaladi. Ushbu soha bugungi kunda ham ilmiy, ham amaliy jihatdan jadal rivojlanib bormoqda. Tillarning turli xil xususiyatlarini areal jihatdan o`rganish jahon tilshunosligida ancha ertaroq boshlangan. Mazkur soha keying yillarda o`zbek tilshunosligining ham muhim yo`nalishlaridan biriga aylangan.

O'zbek tili va dialektlarini areal jihatdan tadqiq etish bugungi o'zbek tilshunosligida o'ziga xos ahamiyat kasb etib bormoqda.

Areal lingvistika tilimiz hamda shevalarimizning nafaqat hozirgi zamonaviy ko'rinishini, balki uning tarixiy ildizlari, tarqalish areallari, qardosh va qardosh bo'lmagan tillar bilan aloqalari kabi jihatlarni tekshiradi, shular borasida bahs yuritadi. Bugungi kunda milliy tilimiz va shevalarimizning tarixiy va zamonaviy ko'rinishlarini qiyoslash, ularni nozik farqlarigacha aniqlab, lingvistik atlaslarni yaratish hamon o'z dolzarbligini saqlab qolmoqda.

O'zbek tilshunosligida areal lingvistik tadqiqotlar qadimgi davrlarga borib taqalsa ham, Alisher Navoiy ijodida bu yo'nalishning o'ziga xos, yorqin na'munasini ko'rishimiz mumkin. Alisher Navoiy lug'atchilik va grammatika sohasidagi yarim asrlik tajribasini "Muhokamat ul lug'atayn" asarida umumlashtirdi. Bu asarda Navoiy eski o'zbek tili bilan fors-tojik tilini bir-biriga chog'ishtirdi va noqardosh tillarni qiyosiy o'rganish metodini boshlab berdi. Hazrat tillarni qiyoslab o'rganish bilan birga asarda umumiy tilshunoslikka doir qarashlarini bayon qiladi. Asarda til va tafakkur, tillarning kelib chiqishi haqidagi fikrlarni olg'a surdi.

Mir Navoiy "Muhokamatul lug'atayn" asari bilan 1499-yilda qarindosh bo'lmagan, ya'ni turli til oilasiga mansub tillarni muqayasa qiladi. Ikki tilni qiyoslar ekan, Navoiy o'zbek tilining so'z qo'llash borasida ustunliklarini ko'rsatadi. "Muhokamat ul lug'atayn"dan o'zbek tilida so'z ma'no qirralarining tarixi haqida qimmatli fikrlar olish mumkin.

Navoiyning "Muhokamatul lug'atayn" asarini biz to'laqonli arealogik tadqiqot deb ayta olmaymiz. Shu bilan bir qatorda ushbu asarda tillararo munosabatlar qiyosiy tarzda o'rganilgan. Bilamizki, arealogik tadqiqot ikki yo'nalishda ish ko'radi. Birinchi yo'nalishimiz tillararo izoglossalarga suyansa, keyingisi dialektlararo munosabatlarning izoglossalarini asosiy manbaa qilib oladi. Shundan kelib chiqqan holda, buyuk olimning ushbu asarlaridan arealogiya uchun amaliy jihatda foydalanishimiz mumkin.

Qardosh bo'lmagan tillarning o'zaro ta'sir qilishi, to'qnash kelishi uchun ularning yaqin arealda joylashgan bo'lishi birlamchi mavjud bo'ladigan hodisa sanaladi. Ma'lumki, fors-tojik tili bilan o'zbek tili bitta oilaga mansub emas. Ammo aholining lisoniy arealida ikki til uchun ham umumiylik belgilarini namoyon qiluvchi *aralash til* vujudga kelgan.

"Muhokamat ul lug'atayn"ga e'tibor qilsak: Yana ot anvoyidaki, *tubuchoq* va *arg'umoq* va *yaka* va *yobu* va *totu*, yo'sunliq – borini turkcha-o'q ayturlar. Va otning yoshin dag'i ko'prakin turkcha ayturlar. Bir *qulunni* "kurra" derlar. O'zga: *toy* va *g'o'nan* va *do'nan* va *tulan* va *chirg'a* va *lang'a* deguncha fasihiroqlari turkcha derlar va ko'pragi muni ham bilmaslar.

Ushbu fikrda *tubuchoq, arg'umoq, yaka, yobu, totu, toy* va *g'o'nan do'nan, tulani, chirg'a, lang'a* so'zlarining irradiatsiyasi va innovatsion markazi turk tili ekanligi aytilmoqda. Turk tilida ham, fors-tojik tilida ham umumiy izoglossalar mavjud bo'lsada, turk tilida ushbu izoglossalarning nihoyatda ko'p ekanligini uqtiradilar. Masalan, Va otning iyarin agarchi "*zin*" derlar, ammo ko'prak ajzosin, misli: *jibilgir* va *hano* va *to'qum* va *jorlig'* va *ularchog'* va *g'anjug'a* va *jilbo'r* va *qushqun* va *qantar* va *tufak* va *to'qa* yo'sunluq ko'pin turkcha ayturlar va qamchini agar "tozyona" derlar, ammo *buldurgasin* va *chubchurg'asin* turkcha ayturlar. Va *jiba* va *javshan* va *ko'ha* va *qolg'anduruq* va *qorbichi* va *kechim* va *oha* yo'sunluq urush asbobin ham turk tili bila ayturlar.

Va ma'hudiy albisadin misli: *dastor* va *qalpoq* va *navro'ziy* va *to'ppi* va *shirdog'* va *dakla* va *yalak* va *yog'lig'* va *terlik* va *qur* yo'sunlug' – nimalarni borisin turk tili bila ayturlar.

Arealogiyada o'tish zonalarini aynan tillar o'rtasida yuzaga keladi. Mazkur tillarning o'tish zonalarini ularning hududiy yaqinliklari bilan birga, tarixiy-ijtimoiy xarakter bilan ham izohlanadi. O'tish zonalarining bir-biriga ta'siri masalasi, bugungi kun areal lingvistikasi oldidagi dolzarb vazifalardan bir hisoblanadi. Shu nuqtayi nazardan "Muhokamat ul lug'atayn" asari areal tadqiqot obyekti bo'lib hisoblanadi.

Yeguliklardan agarchi qo'y muchalaridin ba'zig'a ot quyupturlar, ammo *orqani* va *oshug'lug'* ilikni va yon *so'ngakni* va *qoburg'ani* va ilikni va o'rta ilik va bo'g'uzlag'uni turkcha ayturlar.

Forslar ulug' qardosh va kichik qardoshni ikkalasini "brodar" derlar va turklar ulug'ni – "og'a" va kichikni "ini" derlar, va alar ulug', kichik qiz qardoshni ham "xohar" derlar. Va bular ulug'ni – "egachi" va kichikni "singil" derlar. Va bular otaning og'a-inisin "opag'a" derlar. Va onaning og'a-inisin – "tag'oyi" (derlar)

Yuqoridagi misollardan ko'rinib turibdiki, Navoiy turk tilida arealogik izoglossalarning ko'pligini ta'kidlab ko'rsatadi va bu izoglossalar so'z mazmunining aniq, izchil va tugal ifodalanishiga ko'maklashadi.

Buyuk Navoiy areal lingvistikaga amaliy jihatdan ko'rsatib berib, bu yo'nalishning rivojlanishiga o'z hissasini qo'shdi. Areal lingvistikaning o'zbek tilshunosligida qo'llanishi bevosita ushbu ijodkor nomi bilan bog'langanligi ham bejiz emasligi misollardan ko'rinib turibdi.

Adabiyotlar:

1. Шерматов А. Лингвистик география нима? – Тошкент: Фан, 1981. – 58 б.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 16-том, Тошкент: Фан, 2001.

3. Навоий А. Хамса: «Ҳайратул-аброр» ва бошқ.—Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

«NAVOIY –NON...»

Yusupova Dildora Yunus qizi,

BuxDU o‘zbek tilshunosligi kafedrasida doktoranti

Yuldasheva Dilorom Nigmatovna,

BuxDU o‘zbek tilshunosligi kafedrasida professori

*Navoiy – non. To’sma. Unga borar yo’ldan qoch,
G’ashlik qilma, to’rt yonni ham yoritarkan toj.
Navoiyga o’zin ura, urma kofirni,
Axir, nonga musulmon-u kofir birday och.*

Halima Xudoyberdiyeva

Ulug‘ donishmand shoir Alisher Navoiy haqida so‘z aytmoq ham og‘ir, ham oson. Uning og‘irligi shundaki, millat quyoshi («shams ul-millat») sifatida salkam olti yuz yildan beri yashab kelayotgan, nafaqat yashab kelayotgan, balki turkiy ma’naviyat dunyosida yo‘lchi yulduzdek chaqnab turgan, asrlar davomida «buyuk shoir va mutafakkir» (xalq), «mamlakat ustuni, davlat tayanchi», «ash’or kishvarining sultoni» (H.Boyqaro), «naziri yo‘q kishi» (Z.Bobur), «marjon to‘la dengiz» (xalq), «Ajam xalqlari (ulug‘ amirning) sadosini qulog‘iga sirg‘a qildi, dunyoning barcha burchaklari bu daryo gavhari ila to‘lib toshdi» (D.Samarqandiy), «g‘azal mulkining sultoni» (M.Shayxzoda), «bu ulug‘ zotni avliyo desak, u avliyolarning avliyosi, mutafakkir desak, mutafakkirlarning mutafakkiri, shoir desak, shoirlarning sultonidir» (I.Karimov) kabi yuzlab e’tiroflarga sazovor bo‘lgan, obro‘-e’tibori kun sayin yuksalib, ijodiy merosi nur misol qalblarni isitayotgan zot haqida ulug‘lardan o‘tkazib aytib bo‘lmas...

Hazrat mir Alisher Navoiy dahosi haqida so‘z aytmoqning osonligi shunda: o‘zbek xonadonida tug‘ilgan har bir go‘dak borki, esini taniy boshlaganda unga ota, ona, non, suv, Vatan, maktab so‘zlari qay darajada o‘rgatilsa, shuuriga singdirilsa, havo, suv, nondek zarur; ota, ona, Vatan, maktabdek qadrli kalomlar sirasidan Navoiy bobomiz degan nom ham o‘rin oladi. (Ulug‘ bobokalonimiz Alisher Navoiyning nomi barchamiz uchun qadrli ekanligining ilk sabablaridan biri ham shundadir, balki...) Keyinchalik bu nom qalbimizga iftixor tuyg‘usini indiradigan hazrat Alisher Navoiy bobomiz, ulug‘ bobomiz, dunyo tanigan bobokalonimiz kabi qator e’tiroflar bilan boyib boraveradi. (Yo‘limiz tushib Moskva yoki Baku shaharlarida bo‘lsak, Yaponiyaning Soka universiteti hovlisiga borsak, mir Alisher Navoiy sharafiga qo‘yilganyuksaklikdagi haykallar o‘zbek millatiga mansubligimiz – ulug‘likka daxldorlar avlodidan ekanligimizga ishora

hozirda faxr bilan tilga olib kelayotgan asrlarini fors tilida yozganidami.., biz allaqachon necha zamonlar, turli siyosiy tuzumlarga o'z tilimizni boy bergan bo'lar edik, ehtimol. Alisher Navoiyning shu choqqacha alqab o'tishimizning boisi uning ko'plab asarlar yozganligida emas, aslo. Navoiy Alloh unga tortiq etgan tilni asray oldi, uning buyukligini isbotlay oldi. Alisher Navoiy o'zbek tilini hech kim, hech qachon qulata olmaydigan yuksak cho'qqiga olib chiqdi. U o'z tilini davr muhitiga qurbon qilmadi. Navoiy merosi bugungi kun o'zbek adabiyotining, ayniqsa, she'riyatining ilhom manbayi sifatida ko'plab shoirlarni ijod olamiga chorlamoqda. "O'zbek adabiyotida Navoiyga muxammas bog'lamagan, buni orzu qilmagan shoir deyarli topimaydi. Bu esa har qanday ijodkorga katta mas'uliyat yuklaydi, bilimli va odobli ish tutishga da'vat etadi"[Omon Muxtor, 2012: 3] .

Buxorolik iste'dodli shoirlaridan biri Samandar Vohid ham Navoiyning boqiylik kasb etgan bog'idan bahramand bo'lgan ijodkor. O'z ijodini o'tgan asrning 60-yilaridan boshlagan Samandar Vohidov Alisher Navoiy ijodi va shaxsiyati bilan ancha ilgari, yoshligida – oila davrasida tanishib ulgurgan edi. Uning ma'naviy ulg'ayishida Navoiy ijodi munosib hissa qo'shgan, desak adashmaymiz. Shoirning onasi Orzubegim aya Navoiy g'azallaridan ko'pini yod bilar va farzandlariga bot-bot aytib berishdan aslo charchamas edi. Bu esa bo'lajak shoir ijodiga o'z ta'sirini ko'rsata oldi. S.Vohidovning talabalik yillarida Navoiyga bag'ishlab yozilgan muvashshahiga e'tibor qaratsak:

Nazm birla aylading lak-lak ko'ngil qasrini zapt,
Aylagay baxsh bul nazm o'ti shams-u qamarga nur-u past.
Vasfi ishq etdikki ul ishq chashmadin shaffof erur,
Oshiq ahliga bu ishqing rahnamo – oftob erur.
Ishq debon kuyding va lekin topmading zarra vafo,
Yo'q edi imkoni ham sohibzamon bo'lg'ach jafo.
Gar, Navoiy, ko'rmading zarbi zamondan bir omon,
Aylagay yuzming Samandar ruhingga ta'zim bul zamon. [Vohidov, 1969; 4]

Muvashshah arabcha so'z bo'lib, "bezatilgan", "ziynat berilgan" degan ma'nolarni bildiradi. Muvashshah, asosan qasida janrida ishlatilib, unda she'rning har bir bayti yoki misrasining birinchi harflaridan biror so'z yoki jumla (ko'pincha she'r bag'ishlangan shaxsning nomi) hosil bo'ladi. Muvashshahdan oyat, qadis va hikmatli so'zlarni she'r tarkibiga joylash maqsadida ham foydalanilgan. O'zbek adabiyoti tarixida she'rning bosh qismida kishi ismi berilgan muvashshahlar keng tarqalgan⁷⁹ [O'zME, 2000: 781]. S.Vohidning ushbu muvashshahining har bir misrasining birinchi harfidan u qalamga olgan shaxs nomi - "Navoiyga" so'zi

⁷⁹ O'zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil. 781-b.

МУНДАРИЖА

<i>Зарипов Ботир Комилович</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ – БЕБАҲО МАЪНАВИЙ МЕРОС.....	3
<i>Хамидов Обиджон Хафизович</i> НАВОИЙДАН МАДАД ОЛИБ, УЧИНЧИ РЕНЕССАНС САРИ.....	5
<i>Ибрагимова Феруза Бахадировна</i> НАВОИЙ – ЮКСАК ҒОЯЛАР ТАРҒИБОТЧИСИ.....	7
1-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ НАЗМИЙ МЕРОСИ	
<i>Иброҳим ҲАҚҚУЛ</i> НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА КАСБИ КАМОЛ ҒОЯСИ ВА ТАЛҚИНИ.....	9
<i>Zilola Amonova LobarShokirova</i> “LAYLI VA MAJNUN” DOSTONIDA MUNOJOT TALQINI	12
<i>Odiljon Avaznazarov</i> “FARHOD VA SHIRIN”DA YO‘LOVCHI OBRAZI VA BADIY TUSH ALOQADORLIGI.. ..	16
<i>Yunus Azimov</i> “XIRADNOMAI ISKANDARIY” VA “SADDI ISKANDARIY” DOSTONLARINING MUQADDIMAVIY BOBLARI BORASIDA AYRIM MULOHAZALAR.....	19
<i>Назора Бекова</i> ШОИРНИНГ ИККИ ТИЛДАГИ ШЕЪРИЯТИДА МАВЗУ, ҒОЯЛАР ТАЛҚИНИ ҲАМДА ШАКЛИЙ УНСУРЛАРДАГИ УЙҒУНЛИК ВА МУШТАРАКЛИК.. ..	22
<i>M. Boltayeva</i> ALISHER NAVOIYNING PEYZAJ YARATISH MAHORATI...29	
<i>Гудзина Виктория Анатольевна</i> ТЕМА ПОЭТА В ЛИРИКЕ НАВОИ И ЗУЛЬФИИ	31
<i>Гулова Аноргул, Абдуллаева Феруза</i> Алишер Навоийнинг назмий асарлари – буюк маънавий сарчашма.. ..	36
<i>D.B.Dadajonova</i> ALISHER NAVOIY RUBOIYLARIDA BADIY SAN`ATLAR... ..	40
<i>София Джумаева</i> ЛИРИК ҚАҲРАМОН: ҲОЛАТ ВА ТАСВИР.....	42
<i>Иботова Мадина</i> МАҚОМИНГГА ЕТАЙИН ДЕБ НАВОИЙ АЙЛАР САЙР	45
<i>Mahliyo Ibroimova</i> “SITTAI ZARURIYA”NING YARATILISH TARIXI.....	49
<i>Ismoilova Xumora,</i> “DEVONI FONIY”DA ILOHIY-ISLOMIY QARASHLARINING BADIY-G‘OYAVIY TALQINI.....	52
<i>Ҳ.Ў. Каримов</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА МАЙ ВА МАСТЛИК РАМЗИ.. ..	54
<i>Ҳ.Р.Латипов, З.А. Носирова</i> ОРИФЛАР НАФСШУНОСЛАРДИР.....	58
<i>Mulloqulova Zebiniso</i> HAYRAT UL-ABROR” HIKOYATLARINING HAYRATLARI.. ..	64

<i>Murodova Gulchehra</i> “HAYRAT UL ABROR” DOSTONIDAGI SO‘Z TA‘RIFI BOBI NASHRLARINING QIYOSIY TAHLILI....	68
<i>Шоҳиста Низомова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА СУВ ВА ОЛОВ ОБРАЗИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ..	71
<i>G. S.Omarova, M. R. Bozorbayeva</i> “LAYLI VA MAJNUN” DOSTONIDA MUALLIF DADIY NIYATINING IFODALANISHI.....	76
<i>Ражабова Маърифат</i> САМАНДАР – АБАДИЙ ҲАЁТ ТИМСОЛИ.....	80
<i>Зулайҳо Раҳмонова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЁТИДА ТАВБА ТАЛҚИНЛАРИ...	84
<i>Sadullayeva Shahlo, Shamsiddinova Sitara</i> "LISON UT-TAYR" DOSTONIDA HAYRAT VA FAQR-U FANO VODIYLARINI TASVIRLASHDA TAMSILIIY HIKOYATNING AHAMIYATI.	89
<i>Safarova Shahlola</i> “SABB‘AI SAYYOR” DOSTONI HAMD BOBINING G‘OYAVIY –BADIY TAHLILI....	94
<i>Hilola Safarova, Mohigul Ismatova</i> ALISHER NAVOIYNING “FARHOD VA SHIRIN” DOSTONIDA OBRAZ YARATISH MAHORATI.....	98
<i>Sayliyeva Zarina</i> “HIRIY JON, BADANDIR XUROSON ANGA...”.....	100
<i>G. Sayidova</i> ALISHER NAVOIY ASARLARIDAGI O‘XSHATISHLARNING TASNIFI....	104
<i>H. H. Temaeв</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ.	107
<i>Xudoyorova Nigora</i> NAVOIY NAZMINING JIOLARI.....	111
<i>Д.К.Эргашева</i> ПОЭТИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ АЛИШЕРА НАВОИ.....	113
<i>Ergasheva Naima</i> ALISHER NAVOIY G‘AZALLARIDA TANOSUB SAN‘ATI.....	118
<i>Ҳусниддин Эшонқулов</i> МАЪШУҚА ВА ОШИҚ ҲОЛИГА ХОС ИСТИОРАЛАШГАН ЭПИТЕТЛАРИНИНГ ҚОФИЯЛАНИШИ.....	120
<i>G. Sh.Qobilova</i> “SAB‘AI SAYYOR” DOSTONINING ILMIY-TANQIDIY MATNINI YARATISHDA ASOS BO‘LGAN MANBALAR.....	124
<i>Дилрабо Қувватова, Зарнигор Соҳибова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ОҒАҲИЙ ШЕЪРИЯТИДА БАҲОР ТАСВИРИНИНГ МУШТАРАК ЖИҲАТЛАРИ...	126
<i>Halimova Shahlo</i> ALISHER NAVOIY TARJE‘BANDLARINING TASVIR MOHIYATI... ..	130
<i>Hojiyeva Nigina</i> АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ТАБИАТ ТАСВИРИ..	133
<i>Azimjon Hamidov</i> ALISHER NAVOIY G‘AZALLARI NASHRIDAGI AYRIM TAFOVUTLAR HAQIDA MULOHAZALAR.....	137
<i>Vaxobova Shoxida</i> “MUNSHAOT” MAKTUBLARIDA NAVOIY QARASHLARINING AKS ETISHI.....	140

2-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ НАСРИЙ МЕРОСИ

Н.Бекова, Ж.Шаропов «РУҲ УЛ -ҚУДС»ДА ЙИЛ ФАСЛЛАРИ ТАЛҚИНИ.....	145
<i>Gulova Anorgul, Axmadova Farangiz</i> “MAHBUBUL –QULUB” ASARI – ALISHER NAVOIY NASRIY MEROSINING DURDONASI.....	149
<i>Саидова Райҳон</i> “НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ”ДА МАЛОМАТ ВА МАЛОМАТИЙЛИК.....	152
<i>Sodiqova Dilorom</i> HADISLAR BADIY TALQINIDA NAVOIY VA MISKIN IJODIDAGI UYG`UNLIK.....	156
<i>Sherxon Qorayev</i> ALISHER NAVOIY ADABIY MAJLISLARI.....	160
<i>Ғайрат Муродов</i> ЗАМОНАВИЙ РОМАНДА АЛИШЕР НАВОИЙ СИЙМОСИ.	164
<i>Шавкат Ҳайитов</i> КОМИЛ ЖАМИЯТ ВА КОМИЛ ИНСОН ОРЗУСИ.....	171

3-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГТИЛМИЙ МЕРОСИ ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

<i>Маматқул Жўраев</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАҚИДАГИ ХАЛҚ РИВОЯТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	177
<i>Ўраева Дармоний, Назарова Гулбаҳор</i> НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИДАГИ МИФОНИМЛАРНИНГ АСЛИЯТ ВА ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ.....	186
<i>Собит Авезов</i> НАВОИЙ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ.....	190
<i>Арипова Халима</i> АЛИШЕР НАВОИЙ И УЗБЕКСКИЕ МАКОМЫ.....	195
<i>Bozorova Lobar</i> ALISHER NAVOIYNING XALQ SAN’ATI VA UNING TURLARIGA DOIR MULOHAZALARI.....	197
<i>Мунис Жўраева</i> НАВОИЙНИНГ “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИГА ТАЪСИРИ.....	201
<i>Rajabova Ra’no</i> ALISHER NAVOIY IJODIDA FOLKLOR AN’ANALARI.....	203
<i>Kamildjanov Muxammadjon Ne’matdjonovich</i> ALISHER NAVOIY ILMIY MEROSIDA KOMIL INSON MAVZUSI.....	206
<i>Rustamova Gavhar</i> ALISHER NAVOIY G’AZALLARIDA DARAXTLAR BILAN BOG’LIQ OBRAZLARNING BADIY IFODASI.....	210
<i>Turdiyev Bexruz Sobirovich</i> NAVOIY ILMIY MEROSI - MILLIY MA’NAVIY YANGILANISHIMIZ YOYDEVORI.....	213
<i>Тўраева Лайло</i> АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ДЕҲҚОНЧИЛИККА МУНОСАБАТ ИФОДАСИ.....	216
<i>Худайқулова Латифа</i> ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИ СЮЖЕТИДАГИ МОТИВЛАРНИНГ “МАЖОЛИСУН-НАФОИС” ДА АКС ЭТИШИ.....	218
<i>Hikmatova Nigina</i> ALISHER NAVOIY – ILM NOMIYSI.....	221

<i>Qalandarov Hamza</i> ALISHER NAVOIY ASARLARIDA ISLOM TA'LIMOTI VA TASAVVUF G'OYALARI.....	224
<i>Qilichev R.</i> ALISHER NAVOIY SURATINI CHIZGAN MUSAVVIRLAR...	226
<i>Шабнам Юсуфзода</i> “МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН” АСАРИДА “ДЕВОНИ ФОНИЙ” ШАРҲИ.....	229
<i>Muhtaram Ражабова</i> ALISHER NAVOIYNING SIYOSIY HUQUQIY QARASHLARI.....	233

4-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

<i>М.К.Абузалова, У.Ш.Аҳмадова</i> НАВОИЙ ШАХСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ПЕРИФРАЗЛАР.....	237
<i>Атоулло Ахмедов</i> НАВОИЙ АСАРЛАРИДА АДАБИЙ МЕЪЁР.....	241
<i>Ёқуб Саидов</i> «МУҲОКАМАТУЛ-ЛУҒАТАЙН» АСАРИНИНГ ИЛМИЙ-ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ.....	244
<i>Бибиш Жўраева</i> ЭЛИГА ЎЗЛИГИН ТАНИТГАН ДАҲО.....	248
<i>Х.А. Арипова, Н.Н. Розикова</i> АЛИШЕР НАВОИ О КУЛЬТУРЕ РЕЧЕВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ.....	251
<i>V.E.Kilichev</i> “MUHOKAMAT UL-LUG‘ATAYN” VA SO‘ZLARARO MA’NOVIY MUNOSABAT.....	257
<i>Г.Тоирова, Г.Хайруллаева</i> НУТҚНИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ РАЗМЕТКА ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ.....	260
<i>Г.Тоирова, Н.Ҳамроева</i> НУТҚ ОДОБИ НАВОИИ НАЗМИДА.....	263
<i>D.A.Axmadova</i> “LISON UT – TAYR”DA METAFORALAR.....	266
<i>Н.Жахонова</i> НАВОИЙ ҚЎЛЛАГАН ЎХШАТИШЛАРНИНГ ЛУҒАВИЙ МАЪНОВИЙ ГУРУҲЛАРИ ХУСУСИДА.....	269
<i>Норова М.Ф.</i> АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА КЎМАКЧИЛАРНИНГ СЕМАНТИК-СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	273
<i>Sevara Po‘latova</i> ALISHER NAVOIY IJODIDA AREAL LINGVISTIKA....	276

5-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ, ХОРИЖДА ЎРГАНИЛИШИ ВА АДАБИЙ ТАЪСИР МАСАЛАЛАРИ

<i>Ф.А.Муминов</i> БЫЛ ЛИ АЛИШЕР НАВОИ СУФИЕМ И МИСТИКОМ?....	279
<i>Д.С.Ўраева, З.Б.Джалилова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ГУЛЛАР ОБРАЗИНИНГ АСЛИЯТ ВА ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ....	285
<i>M.I.Gadoeva</i> ALISHER NAVOIY G‘AZALLARIDA QO‘LLANILGAN “BAG‘IR” SOMATIZMINING INGLIZCHA VA RUSCHA TARJIMADA BERILISHI.....	288
<i>Mehrigiyo Jo‘rayeva</i> NAZM VA NAVODAGI HAMOHANGLIK.....	292
<i>D.A.Nasriyeva</i> NAVOIY ASARLARINING TARJIMADAGI O‘RNI.....	294

<i>З.Л.Умуров</i>	ЗАҲИРИДДИН	МУҲАММАД	БОБУРНИНГ	
	БОБУРНОМА”СИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ВАСФИ.....			298
<i>M.Q.Choriyeva</i>	ABDURAHMON	TAMKIN	VA U YASHAGAN DAVR	
	IJODKORLARI IJODIGA	ALISHER	NAVOIY ASARLARINING	
	TA’SIRI.....			301
<i>D.I.Haydarova</i>	GHAZALS OF	ALISHER	NAVOIY THROUGH THE EYES OF	
	DENNIS DALY			304
<i>I.O.Hamidova</i>	“MA’NAVIYAT”	(SPIRITUALITY)	IN UZBEK AND ENGLISH	
	LANGUAGES.....			305
6-шўъба. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИНING ТАЪЛИМ				
МУАССАСАЛАРИДА ЎҚИТИЛИШИ МУАММОЛАРИ				
<i>Ахмедова Шоира</i>	ЭССЕДА БУЮК ШОИР	ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ.....		310
<i>Боқижон Тўхлиев</i>	АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ	ШАРҲИ – ЎҚУВЧИ-		
	ЛАРДАГИ АДАБИЙ ҚИЗИҚИШЛАРНИ	ОШИРИШ ОМИЛИ.....		314
<i>Bafoyeva Nigora,</i>	<i>Quvatillayeva</i>	<i>NIGINA</i>	<i>LITSEY VA MAKTAB</i>	
	<i>DARSLIKLARIDA</i>	<i>NAVOIY IJODINING</i>	<i>O’RGANILISHI.....</i>	318
<i>Berdiyev X.X.,</i>	<i>Zaripova Zulfizar</i>	МАКТАВ	DARSLIKLARIDA	
	ALISHER	NAVOIY LIRIKASINING	O’RGANILISHI.....	321
<i>Gulova Anorgul,</i>	<i>Xoliqulov Muhammad</i>	HAZRAT	NAVOIY ASARLARINI	
	O’RGANISH	KO’ZGUSI.....		325
<i>Давронова Шохсанам</i>	УЛУҒБЕК ҲАМДАМ	ИЖОДИДА	НАВОИЙ	
	АНЪАНАЛАРИ.....			329
<i>Mirsharipova Shahzoda</i>	TARIXIY	ASARLARDA	ALISHERNING BOLALIGI	
	TAIQINI.....			335
<i>Насима Қодирова</i>	КИЧИК ЖАНРЛАР	ТАҲЛИЛИ	ОРҚАЛИ НАВОИЙНИ	
	ЎРГАТИШ	MASALALARI.....		338
<i>Нигора АБДУСАЛОМОВА</i>	НАВОИЙ ҲАҚИДАГИ	ФОЛЬКЛОР	АСАРЛАРИНИ	
	ОММАЛАШТИРИШДА	АКАДЕМИК ТўРА	МИРЗАЕВ	
	ИЛМИЙ ИЖОДИНИНГ	ЎРНИ.....		342
<i>Норова Насиба</i>	УСМОН ҚўЧҚОР	ИЖОДИДА	НАВОИЙ ОБРАЗИ.....	345
<i>Nafosat O’roqova ,</i>	<i>Nigora Shomurodova</i>	NAVOIYIJODINI	O’RGANISHDAGI	
	AYRIM MASALALAR.....			349
<i>Obidjon KARIMOV</i>	HOZIRGI	YOSHLAR	MA’NAVIYATINI	
	RIVOJLANTIRISHDA	ALISHER	NAVOIYNING O’RNI.....	352
<i>Qudratova Muborak</i>	FITRAT	– “FARHOD	VA SHIRIN”	
	TADQIQOTCHISI.....			355
<i>Rajabov Dilshod</i>	<i>Zaripovich, Ahrorova Nigina</i>	<i>Anvarovna</i>	O’RTA MAKTABDA	
	ALISHER	NAVOIY QIT’ALARINI	O’RGANISH.....	358

<i>Yuldasheva Dilorom Nigmatovna</i> MIR ALISHER NAVOIY: BILIM O‘ZLASHTIRISHNNG GRADUAL BOSQICHLARI.....	361
<i>Yusupova Dildora Yunus qizi, Yuldasheva Dilorom Nigmatovna</i> «NAVOIY – NON...».....	365
<i>Тешаев Нутфулло Насруллоевич</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ.....	369
<i>Умринисо Тўраева</i> АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ БЕГАЛИ ҚОСИМОВ ТАЛҚИНИДА.....	373
<i>Zoyirova Go'zal Nematovna</i> NAVOIYNI SUYGAN EL.....	377
<i>Omarova Gavhar Sadikovna, Alimboyeva Sabohat</i> ALISHER NAVOIYNING ILMIY MEROSI- YOSHLAR MA'NAVIY YUKSALISHI VA TARBIYASIDAGI ANAMIYATI.....	381
<i>Рўзигул Қодирова</i> АЛИШЕР НАВОИЙ БАЙТЛАРИ ШЕЪРШУНОС ОЛИМ НИГОҲИДА	383
<i>Олтиной Қурбонова</i> НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ.....	386
<i>Qo'ldoshev Rustambek Avezmurodovich</i> “DEVONI FONIY”NI TOJIKZABON MAKTABLARIDA O‘QITISH MUAMMOLARI.....	389